

ТУРКИЯ ИҚТИСОДИЙ ТАРАҚҚИЁТИНИНГ ЗАМОНАВИЙ ХУСУСИЯТЛАРИ

М.Ф.Абдурахмонов – ТошДШИ магистранти

Ушбу мақола Туркиянинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрни, Туркия иқтисодиётини юқори суръатларда ривожланишини таъминлаётган омиллар, мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётининг замонавий хусусиятлари ёритилган.

Туркия иқтисодиёти - замонавий саноат ва ЯИМ шаклланишида салмоқли ўрин тутувчи кишлоқ хўжалиги соҳаларининг уйғунлигидан иборат бўлган иқтисодиётдир. Сўнгги йилларда Туркия иқтисодий тараққиётда сезиларли муваффақиятларга эришмоқда. Мутахассислар фирича, ОЭСР аъзолари орасида Туркиянинг 2011-2017 йилларда энг тез ривожланувчи мамлакатлардан бири бўлиши башорат қилинмоқда. Бу даврда Туркия ялпи ички маҳсулотининг ўртача қўшимча ўсиш суръати 6,7 фоизни ташкил этиши тахмин қилинмоқда. Бугунги кунда Туркия харид қобилияти асосланган ялпи ички маҳсулотининг умумий ҳажми бўйича жаҳонда 16-ўринни, Европа Иттифоқи мамлакатлари билан солиштирганда 5-ўринни эгаллайди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, 2002 йилдан бошлаб амалга оширилаётган таркибий ислохотлар Туркиянинг жаҳон иқтисодиётидаги ўрнини белгилаб берди ва мамлакатни бевосита хорижий инвестициялар қабул қилувчи энг асосий мамлакатлардан бирига айлантирди. Туркияда амалга оширилган таркибий ислохотлар Европа Иттифоқиға аъзоликка интилиш билан бирга миллий иқтисодиётнинг турли соҳаларида сезиларли ўзгаришларға олиб келди. Бу ислохотларнинг асосий мақсади Туркия иқтисодиётида хусусий секторнинг ролини кучайтириш, молиявий секторнинг самарадорлигини ошириш ва ижтимоий таъминот тизимини мустаҳкамлашдан иборат.

Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2002-2008 йиллар давомида реал ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши ўртача 6 фоизни ташкил этди. Бу эса ялпи ички маҳсулот ҳажмининг 33 фоизға ўсишиға олиб келди. Бу ўсиш саноат ишлаб чиқариши ва хизмат кўрсатиш соҳасида иш ўринларининг фаол ташкил этилиши билан қўллаб-қувватланди. Қишлоқ хўжалигида эса иш ўринларининг қисқариши кузатилди.

2008 йил давомида Туркия иқтисодиёти рецессияни бошдан кечирди. Бунинг асосий сабаби жаҳон молиявий-иқтисодий инқироzi натижасида экспорт ҳажмининг (асосан Европа Иттифоқиға) кескин пасайиши ҳисобланади. Иқтисодиётнинг тикланиши 2010 йилдан бошланди. Мазкур йилда ялпи ички маҳсулотнинг ўсиши 9,2 фоизни ташкил этди. Ўсиш 2011 йилда ҳам давом этди. Аммо 2012 йилда ялпи ички маҳсулотнинг қўшимча ўсиш суръати 2,6 фоизгача пасайди. Евразонадаги инқироз, 2012 йил

давомида фоиз ставкасининг 2 баробарга ошиши ва Суриядаги фуқаролар уруши Туркия иқтисодиёти ривожланишига салбий таъсир кўрсатди.

2000-2012 йиллар давомида Туркия ялпи ички маҳсулоти 266,6 млрд. доллардан 794,5 млрд. долларгача, яъни қарийб 3 мартага ўсди. Айни вақтда аҳоли жон бошига тўғри келадиган ялпи ички маҳсулот ҳажми эса 2,5 мартага кўпайди.

Туркия иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланиши, энг аввало, мамлакатда қулай инвестиция муҳитининг шакллантирилганлиги туфайли бевосита хорижий инвестициялар оқимининг йил сайин ўсиб бориши билан изоҳланади. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2005-2012 йиллар давомида Туркия иқтисодиётига 118,4 млрд. долларлик бевосита хорижий инвестициялар жалб этилган. Туркия инвестиция жозибадорлиги бўйича жаҳоннинг 13-мамлакати ҳисобланади.

Туркия иқтисодиётининг юқори суръатларда ривожланишини таъминлаётган омиллардан яна бири хусусий секторнинг изчил тараққий топаётганлиги ҳисобланади. Чунончи, Туркия хусусий секторининг экспорт ҳажми 2012 йилда 135 млрд долларни ташкил этди ва 2002-2012 йиллар давомида 275 фоизга ўсди.

Шуни алоҳида таъкидлаш лозимки, сўнгги йилларда Туркия юқори ўсиш суръатларини таъминлаш билан бирга бюджет харажатларидан ҳам оқилона фойдаланмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, 2011 йилда Туркия Республикасининг давлат қарзи ялпи ички маҳсулотнинг 39,4 фоизини ташкил этди. Ваҳоланки, 2002 йилда бу кўрсаткич ялпи ички маҳсулотнинг 74 фоизини ташкил этар эди.

Кўришиб турибдики, бу кўрсаткич Маастрихт шартномасида кўзда тутилган мезонларга тўла мувофиқ келади (Маастрихт шартномасига кўра давлатнинг ташқи қарзи мамлакат ялпи ички маҳсулотининг 60 фоизидан ошиб кетмаслиги керак). Умуман олганда 2004 йилдан бошлаб Туркия бу мезонларини тўлиқ бажариб келмоқда.

Худди шундай давлат бюджет тақчиллиги ҳам 2002 йилда 10 фоиздан 2011 йилда 3 фоизгача пасайди. Бу ҳам Маастрихт талабларига тўла мувофиқ келади.

Туркиянинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишида ташқи савдо муҳим аҳамият касб этади. Туркия Республикасида ташқи савдо алоқаларининг ривожланиши 1980 йилларда эркинлаштириш жараёнлари бошлангандан сўнг жадал тус олди. Туркиянинг 1995 йилда Бутунжаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириши ташқи савдо алоқаларининг ривожланишига кучли туртки бўлди. Кейинчалик, яъни 1996 йилнинг 1 январидан бошлаб мамлакатнинг Европа Иттифоқи билан божхона иттифоқини имзолаши миқёс самарасидан фойдаланиш учун кенг имкониятлар тақдим этди.

Сўнгги йилларда Туркия Республикаси ташқи савдо айланмаси муттасил ўсиш тенденциясига эга бўлмоқда. Таҳлиллар шуни кўрсатадики, 2000-2013 йиллар давомида Туркиянинг ташқи савдоси жадал ривожланиб, ташқи савдо айланмаси 82,3 млрд. доллардан 403 млрд. долларгача, яъни 4,9 марта ошган. Мамлакатнинг экспорт ҳажми мазкур даврда 27,8 млрд.

доллардан 152 млрд. долларгача (5,5 марта) ва импорт ҳажми 54,5 млрд доллардан 251 млрд. долларгача (4,6 марта) кўпайган. Туркия ташқи савдосининг ўзига хос хусусияти мамлакат импорт ҳажмининг экспорт ҳажмига нисбатан устунлиги ҳисобланади. Хусусан, экспорт ва импорт ўртасидаги тафовут 2013 йилда 99 млрд. АҚШ доллариға тенг бўлган.

Туркия ташқи савдоси кўрсаткичларига жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози жиддий таъсир кўрсатган. Инқирозгача бўлган даврда, 2001-2008 йиллар орасида ташқи савдо айланмаси ҳажми барқарор равишда ўртача йиллик 24 фоиз қўшимча ўсган. Ушбу кўрсаткич экспорт ва импорт ҳажмида мос равишда 23 ва 25,6 фоизга тенг бўлган. Лекин инқирознинг салбий таъсирлари натижасида 2009 йил ташқи савдо айланмаси ҳажми 2008 йилга нисбатан 72,7 фоизни ташкил этиб, 2006 йил кўрсаткичи даражасига тушиб қолди. Иқтисодий вазиятнинг ўзгариши мамлакат экспортига нисбатан импортига кўпроқ таъсир кўрсатганини ҳам таъкидлаб ўтиш лозим. Мамлакат экспортидаги пасайиш 22,7 фоизни ташкил этган бўлса, импортдаги қисқариш 30,3 фоизга тенг бўлди.

Мамлакат ташқи савдо айланмаси ҳажмида инқироздан кейинги даврда ҳам юқори ўсиш суръатлари кузатилди. Ташқи савдо айланмаси 2012 йилда 389 млрд. АҚШ долларини ташкил этган бўлса, 2013 йилда бу кўрсаткич 403 млрд. АҚШ доллариға тенг бўлди. Экспорт ҳажми деярли ўзгармади, импорт миқдори эса 106,1 фоизга ўсди. Натижада мамлакат манфий савдо баланси 2012 йилга нисбатан 17,7 фоизга кўпайди ва 99 млрд. АҚШ доллариға етди. Таҳлил қилинаётган давр учун бу энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади.